



O'ZBEKISTON OVOZI



Ўзбекистон — буюк алломалар ватани

СЎЗ — КОНФЕРЕНЦИЯ ИШТИРОКЧИЛАРИГА

Самарқанд шаҳрида 15 май куни «Ўрта асрлар Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг тарихий мероси, унинг замонавий цивилизация ривожидagi роли ва аҳамияти» мавзусида халқаро илмий конференция ўзини бошлайди. Унда жаҳоннинг эллика яқин давлатидан олимлар ва зиёлилар, нуфузли халқаро ташкилотларнинг раҳбарлари ва вакиллари иштирок этади.

ЎА мухбирлари конференциянинг хорижлик иштирокчилари билан суҳбатлашди.

Эдгар КЛОЗЕ,

Бранденбург Технологиялар ва инновацияларни ривожлантириш ва қўлаб-қувватлаш институти директори, профессор (Германия);

— Афсонавий Шарқ тиласари — Самарқанд жаҳон цивилизациясининг қадимий ўчоқларидан бири, юзлаб аллома ва мутафаккирлар яшаб ижод қилган бой тарихий ва маданий меросга эга шаҳардир. Бу ерда ўтказилаётган халқаро конференция Ўзбекистон Президенти Исроил Каримов томонидан Ўзбек заминининг тарихий, маданий ва илмий меросини тиклашга, асраб-авайлашга ва тарғиб қилишга қаратилаётган улкан эътиборнинг ёрқин ифодасидир.

Бу диёрда камолга етган қўлаб алломаларнинг ижоди ва фаолиятдан яхши хабардорман. Хусусан, астрономия асосчиси Мирзо Улугбек, мутафаккир шoir Алишер Навоийнинг илмий ва бадиий мероси бутун инсониятнинг бебаҳо мулкидир.

Буюк олим Мирзо Улугбекнинг беназир кашфийётлари жаҳон илм-фани тараққийига улкан ҳисса бўлиб қўшилган. Унинг тадқиқотлари кейинчалик қўлаб олимларнинг, жумладан, таниқли

немос астрономи ва математиги Иоганн Кеплернинг илмий ютуқларига асос бўлиб хизмат қилган.

Алишер Навоийнинг инсонпарварлик гоёлари, унинг дунё адабий хазинасидан жой олган бебаҳо дурдона асарлари мазмун-моҳияти билан бугунги кун учун ҳам гоёт аҳамиятлидир. Турли халқлар ўртасидаги ўзаро ҳамжиҳатлик ва ҳамкорлик илм-фан тараққийотида, ҳар қандай жамиятнинг маънавий юксалишида катта аҳамият касб этади. Маъжур халқаро конференция ҳам ана шу мақсадга хизмат қилади. Унда дунёнинг қўлаб мамлакатларидан келган олимлар ўзбек халқининг бой илмий ва маънавий меросини янада чуқурроқ ўрганиш, очилмаган қирраларни кашф этиш ва уларни ҳаётнинг турли жабхаларига татбиқ этиш борасида фикр алмашиш имконига эга бўлади.

Мен конференциядаги маърузада ана шу жиҳатларга алоҳида эътибор қаратиш ниятидаман.

Муҳаммад Абдулхамид ХАЛИФА,

Искандария университети профессори (Миср);

— Ўзбекистонга биринчи марта келаётган бўлсам-да, бу юртининг тарихи, буюк алломалари ҳақида жуда кўп манбаларни ўрганганман. Хусусан, Имом Бухорий, Имом Термизий, Махмуд Замахшарий, Абу Али ибн Сино, Аҳмад Фарғоний каби буюк алломалар, мутафаккир болларнинг ибратли ҳаёти ва фаолияти, бемисл илмий-иҷодий кашфийётла-

ри бугун ҳам жаҳон аҳлини ҳайратга солаётгани ҳақиндаги ўзининг баъзи фикрлари.

Мен ўзбек халқи аждодлари — Ўрта асрларда Мо-вароуннахрда яшаб ижод қилган Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг ҳаёти ва ижоди ҳақида китоб ёзганман, уларнинг асарларига тавсиф берганман.

▶ Давоми 2-бетда.

Кеча «Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал ва Жиноят ижроия кодексларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси юзасидан таклифларни шакллантириш бўйича тузилган ЎзХДП фракцияси ишчи гуруҳининг йиғилиши бўлиб ўтди.

Қонун лойиҳасида жиноий жазоларни эркинлаштириш, хусусан, суд томонидан жазога ҳукм қилинган шахсларни жамиятдан қатъий узиб қўймасдан, маънавий-ахлоқий тузаилишига имкон бериш билан боғлиқ масалалар назарда тутилган. Ишчи гуруҳи аъзолари қонун лойиҳасининг халқаро ҳуқуқ нормаларига, мамлакатимизда инсон ҳуқуқлари устуворлигини таъминлаш бўйича олиб борилаётган ислохотларга мувофиқлигини алоҳида таъкидладилар.

Хусусан, ЎзХДП фракцияси аъзоси Фахриддин Ражабовнинг фикрича, кейинги йилларда мамлакатимизда суд-ҳуқуқ ва жиноий жазо тизимини ислох қилиш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоялаш, қонунийликни таъминлаш борасида амалга оширилган ишлар жино-

ЎЗХДП ФРАКЦИЯСИ ФАОЛИЯТИ



Санжар ШОТЎЛАГАНОВ ошган сурат.

Жиноят қонунчилигига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш бўйича таклифлар кўриб чиқилди

жозадан янада ривожлантириш, инсонпарварлик тамойилини мустаҳкамлаш суд-ҳуқуқ соҳасидаги давлат сиёсатининг муҳим йўналишларидан ҳисобланади.

Шуни ҳам айтиш керакки, таклиф этилаётган ўзгартиш ва қўшимчалар Жиноят, Жиноят-процессуал ва Жиноят ижроия кодексларидаги айрим моддаларни янада аниқ ифодалаш, даст-

лабки қамоқ вақтини ҳисобга олиш, озоликдан маҳрум этиш жазосига ҳукм қилинган шахсларни сақлаш шароитининг жазони ўташ вақтида ўзгартириш, манзил-колонияларда жазони ўташ тартибини белгилаш масалаларини ўз ичига олган.

Ишчи гуруҳи фракция аъзоларининг қонун лойиҳасида назарда тутилган меъёрларни янада аниқлаштириш бўйича берган таклифларини кўриб чиқди.

Ўз мухбиримиз.

«Ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий тараққийотнинг аниқ устувор йўналишларини белгилаб олишда сиёсий партияларнинг ролини кескин қучайтириш, мамлакатимизни ислоҳ этиш ва модернизация қилиш бўйича стратегик вазибаларни ҳал этишда уларнинг иштирокини кенгайтириш демократик ислохотларни изчил амалга оширишнинг энг муҳим омилига айланмоғи зарур».

Тинчлик ва тотувлик бор жойда тараққийот бўлади

Ҳар қун фарзандларимизни хотиржам ўқишга кузатамиз, боғчага олиб борамиз, ўзимиз ҳам бафуржа ишга йўла оламиз. Аслида шунинг ўзи — катта бахт. Ҳаммамиз кўриб турибмиз, дунёнинг қатор мамлакатларида нималар содир бўлаётганини. Уйдаи чийишга қўрқайтганлар оғзи, юрак ҳовучлаб тонг оптираётганлар-чи?.. Айрим жойларда янги оловли нуқталар пайдо бўляпти, турли иқтилоблар, давлат тўнта-ришлари оддий одамларга фақат кулфат келтирмоқда.

Дунёда бўлаётган бу воқеаларни кўриб туриб, юртимиздаги тинчлик, хотиржамлик учун шукрона айтасан. Одамларимиз орасидаги ҳамжиҳатлик, ўзаро меҳр-оқибат, бирдамлик тобора мустаҳкамланиб бораётганидан фахрланасан киши. Булар ҳаммаси мамлакатимизда узокни кўзлаб олиб борилаётган оқилона сиёсат туфайли эканини алоҳида таъкидлаш керак. Тинчлигимиз, оқилолигимиз ўз-ўзидан бўлмаётгани, бунинг учун изчил кураш олиб борилаётганини унутмаслигимиз лозим.

Президентимиз Исроил Каримов Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан оммавий ахборот воситалари вакилларига берган интервьюсида тинчлик, унинг аҳамияти ва зарурати ҳақида яна долзарб масалаларни илгари сурди.

Дарҳақиқат, давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, биз бошимиздан кечираётган замон

барчамиздан оғоҳ ва сезгир бўлиб яшашимизни, бугунги ва эртанги кунимизни, тинч ҳаётимизни ўзимиз асрашимизни талаб этапти.

Дунёнинг турли минтақаларида, олис ва яқин атрофимизда бўлаётган воқеалардан тегишли хулосалар чиқариб олмоғимиз зарур.

Президентимиз бутун дунё халқлари уруш ҳеч қачон, ҳеч қандай шаклда қайтарилмаслигини орзу қилишини, уларнинг хоҳиш-иродаси шундай эканини, ён қўшимиз бўлган Афғонистон халқи ҳам, агар ўз ҳолига қўйса, ўзаро келишиб, тинч ҳаёт кечиршини алоҳида таъкидлади. Бу фикр ўзининг чуқур ҳаётий асосларига эга.

Ким-ким, ён қўшни сифатида бошқалардан кўра биз яхшироқ биламиз, афғон халқи катта тарих, бой ўтмишга эга. Ушбу мамлакатдаги уруш, бебошлик, ўзаро низолар кўпроқ ташқи таъсирлар остида юз бермоқда. Афғонистон

ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан ривожланиш учун барча асосларга эга. Ер ости, ер усти бойликлари, мамлакатнинг географик жойлашуви ва бошқа қўлаб омиллар бунга имкон беради.

Халқимиз азалдан афғон халқи билан бир дарёдан сув ичган, доим яхши қўнчилик аъёналарини ривожлантириш тарафдори бўлиб келган. Ўзбекистон Афғонистондан ҳеч қачон ўз ёрдамини аямган. Бу — бугун темалар йўли қурилиши, энергетика таъминоти масалаларида намоён бўлмоқда.

Афғонистон ҳар томонлама тараққий этиши, бошқа мамлакатлар билан ўзаро ҳамкорликни йўлга қўйиши учун, аввало, бу юртда тинчлик бўлиши керак. Тинчлик бўлса, қолганини халқнинг ўзи бунёд этади, тараққийот, юксалиш бўлади. Одамлар ҳаётга келиб ёруғ орзу-ният қилади, уларнинг ижобати учун интилади.

Тарихнинг ўзи гувоҳки, тинчликка қон тўкиш орқали эришиб бўлмайди. Давлатимиз раҳбари айтганидек, қарама-қаршиликларни, низо-ларни фақат сиёсий йўл билан, тинч музока-ралар билан ҳал этиш лозим.

Анвар БОЙҚУЛОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, ЎзХДП фракцияси аъзоси.

ЎЗХДП: ТАЖРИБА ВА ТАҲЛИЛ

Партиянинг кучи

бошланғич ташкилотлар фаоллигига боғлиқ

Бошланғич ташкилотлар фаолияти тизимли йўлга қўйилиши партиянинг катта-катта ютуқларига асос бўлади.

Негаки, айнан қуйи бугун орқали сиёсий партия халқ орасига чуқур кириб боради, электротат билан бевоқифа боланади. Де-

мак, партия сиёсий куч сифатида ўзини тўлиқ намоён этиши ҳар жиҳатдан уларнинг иши тўғри ташкил этилишига боғлиқ.

ЎзХДП Марказий Кенгаши бўлими мудири Зокиржон Холматовнинг таъкидлашича, бугунги кунда партияимизнинг 10

мингдан ортиқ бошланғич ташкилот фаолият кўрсатмоқда. Ўтган йили бошланғич партия ташкилотларининг ҳисобот-сайлов йиғилишлари ўтказилди.

▶ Давоми 2-бетда.

«Ўзбекистон овози» газетаси сайтыда ўқинг

Ахборот хизматлари фаолиятининг қонуний асослари мустаҳкамланди



ЎЗХДП МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШЛАРИДА

Оналар ва болалар саломатлиги

давлат ва жамият эътиборида

Халқимиз ҳамisha фарзандларимиз соғлом, баркамол бўлсин, деб ният қилади. Улар дунёга соғлом келиб, соғлом вояга етиши эса оиладаги турмуш тарзига бевоқифа боғлиқ, албатта.

Шу боис мамлакатимизда оналар саломатлигини мустаҳкамлаш, аҳолининг тиббий маданиятини ошириш масалаларига тобора катта эътибор қаратиляпти.

Халқ депутатлари Бўка туман Кенгашидаги ЎзХДП гуруҳи ва Иж-

тимоий-маданий ривожлантириш масалалари бўйича доимий комиссиясининг «Соғлом бола йили» Давлат дастури ижросига бағишланган қўшма йиғилишида шу масала муҳокама этилди.

Унда аёллар ва болаларнинг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш борасида туманда олиб борилаётган ишлар тўғрисида туман тиббиёт бирлашмаси бош шифокори Анвар Раҳматуллоевнинг ахбороти эшитилди.

— Айни пайтда туманда 15 қишлоқ врачлик пункти, 1 кўп тармоқли марказий поликлиника, 90 ўринли акушерлик комплекси фаолият кўрса-

тади, — деди у. — Юртимизда ёш авлодни ҳар томонлама баркамол этиб вояга етказиш мақсадида бир қатор қонунлар, Президент қарор ва фармонлари қабул қилинган. Жойларда ушбу меъёрий ҳужжатлар ижросини таъминлаш мақсадида жамоатчилик ва депутатлик назорати ўрнатилган борада барчамизнинг масъулиятимизни оширмоқда. Жорий йилнинг 3 ойи давомида 30273 нафар туғиш ёшидаги аёл тиббий кўриқдан ўтказилди. Аниқланган касалликларни даволаш ва асоратларининг олдини олиш мақсадида 3697 нафар аёл амбулатор ва стационар шароитда даволанди.

Холбек СУЛАЙМОНОВ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши ҳамда Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси ташаббуси билан «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлигини таъминлаш — эркин фуқаролик жамияти пойдевори» мавзусидаги семинар ўтказилди.

Бу ҳақда газетамизнинг навбатдаги сонларидан бирида ўқийсиз.

МАҲАЛЛА — АҲОЛИНИ МАНЗИЛЛИ ИЖТИМОЙ ҚўЛЛАБ-ҚУВВATЛАШ МАРКАЗИ

Электратни ташвишга солаётган масалалар

нафақат халқ депутатлари маҳаллий Кенгаши, керак бўлса, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси муҳокамасига олиб чиқиши керак

Ўзбекистон Халқ демократик партияси аҳолининг манзилли ижтимоий ҳимоясини кучайтириш мақсадида ижтимоий ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда кўплаб тадбирлар ўтказиб келмоқда.



Ана шундай тадбирлардан бири «Маҳалла — аҳолини манзилли ижтимоий қўллаб-қувватлаш маркази» лойиҳаси доирасида Қарши туманидаги «Мирмурон» маҳалла фуқаролар йиғинида ташкил этилди. Унда партия Марказий Кенгаши, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашидаги гуруҳлари аъзолари, туман ҳокимлиги, йирик бошланғич ташкилотлар етакчилари ва ҳамкор ташкилотлар вакиллари иштирок этди.

Давра суҳбатига тайёргарлик кўриш жараёнида депутатлар, партия фаоллари мазкур маҳаллада ижтимоий масалалар мониторингини ўтказишди, ҳудудда замонавий инфратузилмани ривожлантириш, янги иш ўринлари ташкил этиш масалаларини ўрганиб чиқишди. Тадбирда бу борадаги муаммолар, имкониятлар муҳокама этилди.

ЎзХДП фракцияси аъзоси **Комила Каримова**. — Аҳолини манзилли ижтимоий ҳимоя қилишда бу борадаги қонунлар, Президент фармон ва қарорлари ижросини изчил назорат қилиш, қонунларга тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш бўйича таклифлар бериб бориш учун партия электратни вакиллари, оддий одамлар билан турли даражадаги депутатларнинг мустақам алоқасини тизимли йўлга қўйишимиз зарур.

Аҳолининг ижтимоий ҳимояга эҳтиёжманд қатлами манфаатларини ҳимоя қилиш, ҳудудда замонавий инфратузилмани ривожлантириш ҳисобига янги иш ўринлари яратиш бўйича партия ташкилотлари ҳамда гуруҳлари кўплаб лойиҳаларни амалга оширмоқда, — деди **ЎзХДП Қашқадарь вилоят кенгаши раиси Олим Равшанов**. — Айтиш кераки, ўтган йили аҳолини ўйлантираётган масалалар, хусусан, ички йўллари таъмирлаш, мактабга таълим муассасалари фаолияти, аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлашни янада яхшилаш масалаларида вилоят миқёсида 30 та депутатлик сўрови юборилди. Маҳаллалар аҳолиси билан мулоқотлар натижасида биз жойлардаги муаммолардан кўпроқ хабардор бўламиз.

Тадбирда банк, молия, солиқ идоралари, вилоят меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси мутахассислари оилавий тадбиркорлик, ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш учун бошланғич сармоини шакллантириш, бу мақсадда имтиёзли кредит олиш, касаначиликни ривожлантириш орқали янги иш ўринлари яратиш, ишга жойлаштириш, пенсия ва нафақалар тайинлаш ҳамда тўлаш қоидалари муассасалари фаолияти, аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлашни янада яхшилаш масалаларида вилоят миқёсида 30 та депутатлик сўрови юборилди. Маҳаллалар аҳолиси билан мулоқотлар натижасида биз жойлардаги муаммолардан кўпроқ хабардор бўламиз.

Фикр алмашув чоғида аҳолини аниқ йўналтирилган асосда ижтимоий ҳимоя қилиш бўйича маҳалланинг ўрнини янада мустақамлаш бўйича кўплаб таклифлар билдирилди. Кам даромадли аҳоли, оилаларга ажратиладиган ижтимоий ёрдамнинг манзиллигини таъминлаш юзасидан жамоатчилик назоратини тизимли йўлга қўйиш зарурлиги таъкидланди. Жойлардаги ижтимоий масалаларни таҳлил этиб, халқ депутатлари маҳаллий Кенгаши сессияларида муҳокама этишга эришиш, депутат сўрови имкониятларидан кенг фойдаланиш, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракциясига қонунлар лойиҳаларини такомиллаштириш юзасидан таклифлар бериш масалаларига эътибор қаратилди.

Давра суҳбати якунида кўча Жамоатчилик қабулхонаси ташкил этилди. «Мирмурон» маҳалласи аҳли, асосан хотин-қизлар ва ёшлар турли масалалар билан депутатлар, тегишли идоралар вакилларига муурожаат қилишди.

Музаффар ТУРОПОВ

ЎзХДП: ТАЖРИБА ВА ТАҲЛИЛ

Партиянинг кучи

бошланғич ташкилотлар фаоллигига боғлиқ

Натижада кўйи бўгин фаолияти кенг таҳлил этилиб, уларга интилувчан ва таъабчан етакчилар сайлаб олинди. Улар ўзларига билдирилган ишонч ва масъулиятни чуқур англаб, кўйи бўгин ишини кучайтириш, аъзолар сафини кенгайтиришга ҳаракат қилмоқда.

Ҳақиқатан ҳам электрат манфаатларини ҳимоя қилиш, аъзоларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини кучайтириш, партия дастурий мақсадларини амалга оширишда бошланғич ташкилотлар ҳал қилувчи ўрин тутди. Улар қандай фаолият кўрсатиши эса етакчиларнинг сиёсий билими, ташкилотчилик қобилиятига боғлиқ.

Хўш, мазкур масала бўйича маҳаллий партия кенгаши етакчилари қандай фикрда? Бу борада жойларда қандай ишлар олиб бориляпти?

Рўзбек Тўраев, ЎзХДП Тошкент шаҳар кенгаши раиси ўринбосари:



— Кўйи бўгин имкониятларидан самарали фойдаланиш бугуннинг энг долзарб вазифаларидан ҳисобланади. Бу масала ўз-ўзидан амалга ошмайди, албатта. Бунинг учун бошланғич ташкилотларга одамлар билан тез тил топиша оладиган, сиёсий жараёнларнинг фаол иштирокчиси бўлишга интиладиган, ташкилотчи кишилар етакчилик қилиши керак.

Етакчи сиёсий-ҳуқуқий билимларни яхши эгаллаган бўлса, партиядошлари саволларига жавоб бера олади, ишни қандай ташкил этишни яхши билади. Шунинг учун сиёсий ва фуқаролик маърифати тизимидаги ўқувларни кўпроқ қўйишда ташкил этиямиз. Етакчиларнинг ўзаро таъриба алмашиш масаласига алоҳида эътибор қаратаймиз. Шу сабабли бошланғич ташкилотларимизнинг аксариятида фаоллик қузатилмоқда. Ўтган йили пойтахтимиздаги 8-автотур саройидаги бошланғич партия ташкилотимиз ташаббуси билан «Янги иш ўринлари ташкил этишда ЎзХДП вазибалари» мавзусида семинар ўтказилди. Унга депутатлар, партия фаоллари, жамоа аъзолари ҳамда ёшлар таклиф этилди. Аҳамиятли жиҳати, тадбир иштирокчилари янги иш жойлари очиш, қўлида хунари бор кишиларни оилавий тадбиркорлик ва касаначиликка жалб қилиш бўйича қатор таклифлар билдиришди.

Бошланғич ташкилотлар фаолиятини кучайтириш учун илгор иш таърибаларини кенг тарғиб қилиб бориш керак. Масалан, Олмазор туманида жойлашган Республика кўз касалликлари шифохонаси, Юнусобод туманидаги 52-оилавий поликлиника, Шайхонтоҳур туманидаги 44-оилавий поликлиника, Чилонзор туманидаги «Бешёғоч» маҳалласи бошланғич партия ташкилоти ибратли иш таърибасига эга.

Робия Қозимова, ЎзХДП Бухоро шаҳар кенгаши раиси:



— Менмича, бошланғич партия ташкилоти намунали фаолият юритиши учун биринчи гада уни туман, шаҳар партия кенгаши қўллаб-қувватлаши керак. Ўз навбатида, бошланғич ташкилот етакчиси ҳам аъзоларга ҳамнафас бўлиши, яшаш шароити, турмуши, қувончу ташвишларидан хабардор бўлиши лозим.

Бухоро шаҳрида партияимизнинг 58 бошланғич ташкилоти фаолият юритмоқда. Улар билан мунтазам равишда сиёсий ўқувлар ўтказишни йўлга қўйганмиз. Халқ депутатлари шаҳар Кенгашидаги партияимиз гуруҳи аъзолари ҳамда бошланғич ташкилотлар етакчилари ўртасида амалий ҳамкорлик йўлга қўйилган. Хусусан, ҳар ойда икки маротаба депутатлар билан бошланғич ташкилотларга бориб, уларнинг фаолияти билан таниша-

миз, аъзоларимиз билан эркин мулоқот тарзидаги учрашувлар ташкил этамиз. Уларнинг таклифларини эшитамиз.

Дилором Абдурахимова, ЎзХДП Наманган вилоят кенгаши раиси:



— Маълумки, партия кенгаши турли мавзудан турли мавзудан семинарлар ўтказилади. Лекин уларда кўрилаётган масалалар, партия фаолиятига оид янгиликлар ҳар бир бошланғич ташкилотга етиб бориши, айниқса, чекка ҳудудлардаги кўйи бўгинларда ўқувлар ўтказишда камчиликлариимиз бор. Айрим ҳолларда юқорида қўрилган масала ўша жойнинг ўзида, яъни вилоят, туман, шаҳар даражасида қилиб кетади. Уларга бир-иккита бошланғич ташкилот етакчиларини таклиф қилиш билан кутилган натижага эришиб бўлмайди, албатта.

Шу боис ўқув-семинарларни ҳар бир бошланғич ташкилотда ўтказишни яхши йўлга қўйишга эришишимиз керак. Етакчилар учун махсус дастурлар асосида ўқув курслари ташкил қилиш эса кўйи бўгин фаолиятини мустақамлашда муҳим аҳамиятга эга бўлади, деб ҳисоблайман. Шундай бир механизмни шакллантириб олишимиз кераки, кўйи партия ташкилотларида билдириладиган ҳар бир фикр, ҳар бир таклиф партиянинг Марказий Кенгашига, юқори партия ташкилотларида бўладиган муҳокамалар бошланғич ташкилотга етиб бориши ҳамда ўзининг акс-садосини бериши зарур.

Аҳмадjon ВАЙСОВ, Хонқа туман партия кенгаши раиси:



— Мен ҳар ҳафта-нинг икки, уч кунини бошланғич партия ташкилотларида ўтказаман. Улар фаолияти, муаммолари, таклиф-мулоҳазалари билан қизиқаман, аъзолар билан эркин суҳбат қураман. Уларни ўйлантираётган масалаларни депутатларимизга етказаман, йиғилишларда муҳокамага қўяман.

Ана шу таърибдан бир хулосага келдимки, биз кўйи бўгиндан кўпроқ таклифлар олишимиз керак. Чунки улар аҳолини, ёшларни ўйлантираётган муаммолар, қизиқтираётган масалаларни яхши билади. Муаммонинг чуқур билиш эса ҳаётий, асосли таклифлар ишлаб чиқишга асос бўлади. Мисол учун биз бошланғич ташкилотларда турли мавзуларда давра суҳбатлари ташкиллаштириямиз. Тадбирларга бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси туман бўлими, бандлик қўмақлашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази ҳамда бошқа қатор ташкилотлар вакиллари, депутатлар таклиф этилмоқда. Ўзаро фикр алмашиб, савол-жавоблар депутатларимиз турли ижтимоий масалаларни вакиллик ҳокимияти муҳокамасига олиб кириши, ишга ҳокимияти органлари олдига қўйишга асос бўлади. Бундай тадбирлар бошланғич ташкилотларда ўтказилиши, аввало, етакчилар ва партия аъзолари сиёсий-ҳуқуқий билиминини оширишга, аъзолар фаоллигини кучайтиришга хизмат қилади.

Дарҳақиқат, бугун партияимиз тизимида бошланғич партия ташкилотлари фаоллигини ошириш масаласига жиддий эътибор берилмоқда. Энг муҳими, вилоят, туман ва шаҳар кенгашига кўйи ташкилотлар фаолиятини замон талабларига мос равишда ташкил этиш чораларини кўрмоқда. Бу эса партиянинг амалий натижаларга эришиши, электратга яқин бўлиб, унинг манфаатларини ҳимоя қилишида муҳим аҳамият касб этади.

Лазиза ШЕРОВА, «Ўзбекистон овози» муҳбири.

СўЗ — КОНФЕРЕНЦИЯ ИШТИРОКЧИЛАРИГА

Ўзбекистон — буюк алломалар ватани

Шуни қайд этишни истардимки, Алишер Навоийнинг бебаҳо, дурдона асарлари араб дунёсида ҳам машҳур. Мен унинг газалларини катта қизиқиш билан ўқийман. Ислом оламида «муҳаддислар султони» дея шуҳрат қозонган Имом Бухорийнинг энг ишончли ҳадислар тўплами — «Ал-жомеъ ас-сахих» китоби дунимизда Қуръони каримдан кейинги иккинчи муқаддас манба ҳисобланади. Неча асрлардан бунён ушбу китоб миллионлаб инсонлар қалбини иймон нури билан мунаввар этиб, ҳақ ва динбат йўлига

чорлаб келмоқда. Ўзбекистонга мазкур таширифим доирасида бир умрлик орзум — Имом Бухорий мақбарасини зиёрат қилиш бахти насиб этишидан қувончим чекис. Президент Ислам Каримовнинг тарихий-меморий обидалар, зиёратгоҳларни тиклаш ва таъмирлаш, миллий урф-одат ва қадриятларни асраб-авайлаш ва келгуси авлодга безавол етказиб беришга қаратаётган улкан эътибори ва бу борада амалга оширилаётган кенг қўламли ишлар таҳсинга лойиқдир.

Фаина ЛИНЬКОВА,

Питтсбург университети профессори (АҚШ):

— Ўзбекистонга ilk таширифим асосида олган олам-олам таассуротларимни таърифлашга сўз ожизлик қилади. Тошкентдаги музей ва таърибий санъат галереялари менда катта таассурот қолдирди.

Бу заминда этишиб чиққан буюк алломаларнинг жаҳон цивилизацияси ривожига қўшган ҳиссаси бекиёсдир. Жумладан, Муҳаммад Мусо Хоразмий ўнлик санок системасини, алгоритм ва алгебра тушунчаларини дунёда биринчи бўлиб илм-фан соҳасига жорий этгани ва шу асосда аниқ фанлар ривожини учун ўз вақтида мустақам асос яратгани жаҳон цивилизацияси ривожига бугунги кунда ҳам катта аҳамиятга эга. Унинг арифметикага доир асари бугунги кунда

биз фойдаланадиган ўнлик ҳисоблаш тизими ва шу тизимдаги амалларнинг Европада тарқалишига сабаб бўлди.

Алишер Навоий номадаги галереялари менда катта таассурот қолдирди. Бу заминда этишиб чиққан буюк алломаларнинг жаҳон цивилизацияси ривожига қўшган ҳиссаси бекиёсдир. Жумладан, Муҳаммад Мусо Хоразмий ўнлик санок системасини, алгоритм ва алгебра тушунчаларини дунёда биринчи бўлиб илм-фан соҳасига жорий этгани ва шу асосда аниқ фанлар ривожини учун ўз вақтида мустақам асос яратгани жаҳон цивилизацияси ривожига бугунги кунда ҳам катта аҳамиятга эга. Унинг арифметикага доир асари бугунги кунда

Санг Гак ЛИ хоним,

Сеул Миллий университетининг Физика ва астрономия кафедраси профессори (Жанубий Корея):

— Ўзбекистонга учинчи марта келишим. Ҳар сафар худудлардан бири эканини алоҳида таъкидлашни истардим.

Университетимиз Ўзбекистон Фанлар академияси Астрономия институти билан яқин ҳамкорлик алоқалари ўрнатган. Ушбу институтнинг Майданак обсерваторияси географик жойлашуви, қулай атмосфера шартлари ва астрономия жиҳатидан жаҳондаги нуфузли расадхоналар қаторида туради. Майданакдаги телескоплар мусофалар тунларда минглаб осмон жисмларини кузатиш имкониятига эга. Ана шундай шартидан оқилона фойдаланаётган олимларнинг катта ютуқларини қўлга киритмоқда.

Майданак обсерваториясидаги телескопга ўрнатилган замонавий русумдаги рақамли камера Ўзбекистон — Жанубий Корея ҳамкорлигининг амалий натижасидир. Бу астрономия тадқиқот олиб бориш фаолиятини янада оширишга хизмат қилмоқда.

Шиноя АКИФУМИ,

Цукуба университети профессори (Япония):

— Ўзбекистонда дунёга машҳур ва маълум улуг мутафаккир ва алломалар етишиб чиққан. Жумладан, машҳур аллома Ибн Синонинг «Тиб қонунлари» асари ҳамон инсонлар саломатлигини мустақамлаш йўлида тиббиёт олами учун

муҳим дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда.

Ўзбекистон билан Япония ўртасидаги алоқалар иқтисодий ва маданият катиб турли соҳаларда изчил тараққий этаётганини алоҳида қайд этишни истардим.

Сиддхарт САКСЕНА,

Кембриж университетининг Марказий Осиё бўйича форуми раиси (Буюк Британия):

— Ўзбекистонда мустақиллик йилларида барча соҳаларда амалга оширилган кенг қамровли ислохотлар бераётган самаралар халқингиз фаровонлигининг юксалишига хизмат қилмоқда. Мамлакатингизга ҳар гал келганимда Ўзбекистон таъриб бўлмас даражада ўзгариб, янада гўзаллашганининг гувоҳи бўламан. Ижтимоий-иқтисодий, илмий соҳаларда, шунингдек, бунёдкорлик жабҳасида рўй бераётган улкан ўзгаришлар ва янгилашиллар ҳавасимни тортади.

Президент Ислам Каримов томонидан ишлаб чиқилган машҳур беш тамойилга

асосланган тараққийнинг «ўзбек модели» гоят самарали ва ҳаётийлиги билан халқро ҳамжамият томонидан кенг эътироф этилганини алоҳида таъкидламоқчиман. Бу омил кўплаб мамлакатларда ҳамон давом этаётган молиявий-иқтисодий инқироз шароитида ҳам мамлакатингиз барқарор иқтисодий ривожланиши учун хизмат қилмоқда.

Ўзбекистонда хорижий тилларни ўрганиш фаолияти бораётгани таълим соҳасига қаратилётган алоҳида эътибор самараларидандир.

ЎЗА махсус муҳбирлари Ирода УМАРОВА, Нодира МАНЗУРОВА ёзиб олди.

АКАДЕМИК ЭРГАШ ФОЗИЛОВ

Ўзбекистон илм-фани оғир жудуққа учради. Ўзбек тилшунослиги соҳасидаги йирик олим, филология фанлари доктори, академик Эргаш Фозилов 81 ёшида вафот этди.

Э.Фозилов 1933 йили Тошкент вилоятининг Янгийўл шаҳрида ишчи оиласида туғилди.

1957 йилда Москва давлат университетини тугатиб, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Тилшунослик институти аспирантурасида таҳсил олди, дастлаб номзодлик, сўнгра докторлик диссертацияларини ҳимоя қилди.

2000 йилда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг аъзоси этиб сайланди.

Жонкуяр ва истеъдодли олим ўзининг қарийб 40 йиллик илмий фаолияти давомида Фанлар академиясининг Тил ва адабиёт институти катта илмий ходими, институт директори ўринбосари, Фанлар академиясининг Шарқшунослик институти бўлим бошлиғи, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ўринбосари лавозимларида самарали меҳнат қилди ва ўзбек тилшунослигининг долзарб масалаларини тадқиқ этиш, юқори малакали кадрлар тайёрлаш ишига муносиб ҳисса қўлди.

И.КАРИМОВ, И.СОБИРОВ, Д.ТОШМУҲАМЕДОВА,
Ш.МИРЗИЁЕВ, Ш.СОЛИҲОВ



Э.Фозилов биринчилардан бўлиб ўзбек тилининг тарихий ривож, лексикологияси ва лексикографияси ҳамда грамматикасини ўрганди. У Алишер Навоий асарлари тилини тадқиқ этиб, «Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати» ва «Эски ўзбек тили» луғатларини нашр эттирди. Таниқли олимнинг тилшуносликнинг долзарб масалаларига бағишланган мақола ва рисолалари кенг жамоатчиликка яхши маълум.

Талабчан устоз сифатида кўплаб ёшларга илм-фан сирларидан сабоқ берган заҳматқаш олимнинг бевосита раҳбарлигида ўнлаб фан докторлари ва фан номзодлари тайёрланди.

Атоқли олим, камтарин инсон Эргаш Фозиловнинг хотираси қалбларимизда ҳамisha сақланиб қолади.

ЮКСАК МАЪНАВИЯТ — ЕНГИЛМАС КУЧ

Глоблалашув жараёни ва ахборот хавфсизлиги

Бердақ номидаги қорақалпоқ давлат университетидида ўтказилган анжуман глоблалашув жараёни ва оммавий ахборот воситалари фаолиятига бағишланди.

Унда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетининг бир гуруҳ ўқитувчилари ҳамда талаба-ёшлар иштирок этди.

Тадбирда Президентимиз Ислам Каримов раҳнаомлигида оммавий ахборот воситаларини кўлаб-қувватлаш, уларнинг фаолиятини янада такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилаётгани, давлатимиз раҳбарига баён этган Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқароларнинг ижтимоий ривожлантириш концепцияси асосида бу борада кенг қўламли ишлар амалга оширилаётгани таъкидланди.

Глоблалашув жараёни жа-

дал кечаётган бугунги кунда аҳоли, айниқса, ёшларни турли маффуравий ҳужурлар таъсиридан ҳимоя қилиш торабдорлиги аҳамият касб этмоқда. Шу боис жойларда олиб борилаётган тушунириш ишлари кўламини янада кенгайтириш, бунда замонавий ахборот технологиялари, хусусан, оммавий ахборот воситаларидан самарали фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга.

Анжуманда ёшлар онгига глоблалашувнинг ўзига хос жиҳатлари, ахборот хуружи, ахборот хавфсизлиги, маффуравий имунитет каби тушунчаларни сингдириш, ушбу соҳаларда олиб борилиши зарур бўлган вазифалар бўйича фикр алмашилди.

ЎЗА

Судьяларнинг ижтимоий муҳофазаси

одил судловни амалга ошириш ва суд обрўсини юксалтиришга хизмат қилади

ХУҚУҚИЙ ИСЛОҲОТ

Суд органларининг давлат бошқарувидаги роли ва аҳамияти янада оширилишини таъминламасдан, уларнинг ваколатлари ҳамда мустақиллигини кучайтирмасдан туриб, мамлакатни сиёсий-иқтисодий янгилаш ва модернизация қилишда муваффақиятга эришиб бўлмайди. «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун ана шу мақсадда амалга оширилаётган ишларнинг мантиқий давоми бўлди.



Мазкур қонун 26 моддадан

иборат бўлиб, унинг 6 та моддаси билан Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат ва Солиқ кодексларига, «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида», «Судлар тўғрисида», «Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди тўғрисида»ги қонунларга, «Суд ва Ўзбекистон Республикаси Олий суди ҳузуридаги Суд қонунчилигини демократлаштириш ва либераллаштириш ҳамда суд тизими мустақиллигини таъминлаш бўйича тадқиқот маркази ходимларининг мансаб даражалари тўғрисида Низомига тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. Ўзгартиш ва қўшимчалар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 2 августдаги «Суд тизими ходимларини ижтимоий муҳофиза қилишни тубдан яхшилаш бора-тадбирлари тўғрисида»ги ва 2012 йил 30 ноябрдаги «Судлар фаолиятини янада такомил-

лаштириш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонлари ижросини таъминлаш мақсадида ишлаб чиқилган.

Киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар замонавий демократ талабларга жавоб берадиган суд кадрларини танлаш ва тайинлашнинг самарали тизимини яратишга, суд тизими ходимларини ижтимоий муҳофиза қилишга қаратилган. Унга қўра, судьяликка минимал ёш 25 ёшдан 30 ёшга ўзгартирилди. Олий юридик маълумотга ва юридик ихтисослиги бўйича, авваламбор, ҳуқуқни муҳофиза қилувчи органларда камидан беш йиллик меҳнат стажига эга бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқароси судья бўлиши белгилаб қўйилди. Судьялик лавозимига биринчи марта тайинланадиган номзодлар заҳирасида турган шахслар белтадбирлари тўғрисида»ги ва

2012 йил 30 ноябрдаги «Судлар фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонлари ижросини таъминлаш мақсадида ишлаб чиқилган. Киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар замонавий демократ талабларга жавоб берадиган суд кадрларини танлаш ва тайинлашнинг самарали тизимини яратишга, суд тизими ходимларини ижтимоий муҳофиза қилишга қаратилган. Унга қўра, судьяликка минимал ёш 25 ёшдан 30 ёшга ўзгартирилди. Олий юридик маълумотга ва юридик ихтисослиги бўйича, авваламбор, ҳуқуқни муҳофиза қилувчи органларда камидан беш йиллик меҳнат стажига эга бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқароси судья бўлиши белгилаб қўйилди. Судьялик лавозимига биринчи марта тайинланадиган номзодлар заҳирасида турган шахслар белтадбирлари тўғрисида»ги ва 2012 йил 30 ноябрдаги «Судлар фаолиятини янада такомил-

рида улар асосий иш жойидаги ўртача ойлик иш ҳақи сақланган ҳолда ўз меҳнат вазифаларини бажаришдан озод қилиниши қайд этилди. Бу жуда ҳам муҳим бўлиб, инсон тақдирини ҳал қиладиган, Ўзбекистон Республикаси номидан ҳукм, ҳал қилув қарори чиқарадиган судья тегишли тажрибага, малакага эга бўлиши, ўз касб-корининг устаси, шу ишнинг чинакам билимдонини, бу борада бошқаларга ўрнак бўлиши лозим.

Шу вақтгача амалда бўлиб келган 25 ёш таълим тизимида бўлиб ўтган туб ислохотлардан аввал қабул қилинган бўлиб, ҳозирги 12 йиллик таълим тизими ва бакалаврият ҳамда магистратура босқичларини битирган ёш мутахассис салкам 25 ёшга тўлиб қолаётган эди. 30 ёш ва ҳуқуқни муҳофиза қилувчи органларда камидан 5 йил ишлаш талаби олий юридик маълумотга эга бўлган фуқарода зарур тажриба ва малака, мустақил дунёқараш, кенг фикрлаш, узокни кўра билиш қобилияти етарлича мустақамланиши, иймон-эътиқоди мустақам, иродаси бақувват бўлишида муҳим омил бўлиб хизмат қилади. Шу билан биргаликда суд жараёнининг томонлари бўлиши прокурор ва адвокатнинг фикрларини эшитиб, ҳалқимизга хос «етти ўлчаб бир кесиб» қарор қабул қилиш ҳам қилишдан муайян тажрибани, ҳаётий кўникмаларни тақозо қилиши сир эмас, албатта.

Бундан ташқари, судьяларнинг ижтимоий муҳофазасига оид нормалар белгилашиб, унга қўра, судьялар ўз хизмат вазифаларини бажариши муносибати билан олган даромадлари бўйича жисмоний шахслардан олинандиган даромад солиғидан озод этилади, судьялик лавозимига сайланганлиги ёки тайинланганлиги туфайли ишдан озод қилинган шахсларга уларнинг ваколатлари тугаганидан кейин судьялик лавозимига сайланишига ёки тайинланишига

қадр эгаллаб турган аввалги иши (лавозими) берилди. Ваколатлари муддати тугаган судьяларнинг ўртача ойлик иш ҳақи уларни янги ваколатлар муддатига қайта сайлаш ёки қайта тайинлаш учун ҳужжатлари кўриб чиқиладиган даврда ёхуд янги иш жойига ишга жойлаштирилгунга қадр, лекин кўпи билан уч ойгача сақлаб қолинади.

Ваколати тугаганидан кейин судьялик лавозимига сайланишига ёки тайинланишига қадр эгаллаб турган аввалги иши (лавозими) берилди, бундай иш (лавозим) мавжуд бўлмаганда эса аввалгисига тенг бошқа иш (лавозим) билан таъминланади. Бу Конституциянинг 37-моддасида мустақамланган ҳар бир шахснинг қонунда кўрсатилган тартибда ишсизликдан ҳимояланиши ҳуқуқининг амалдаги ифодасидир. Қабул қилган ҳужжатлари барча давлат органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар, мансабдор шахслар, фуқаролар учун мажбурий бўлган судьяларнинг обрўси, уларнинг нуфузи давлатнинг обрўси ва нуфузи ҳисобланади.

Юқоридаги ижтимоий қафолатлар ўта муҳим аҳамият касб этиб, ҳокимиятнинг алоҳида тармоғи бўлиши суд ҳокимиятининг давлат ва жамиятдаги обрўсини янада кўтаришга, суд ҳокимиятининг мустақиллигини мустақамлашга, судьялар ҳаётининг моддий-маиший шароитларини сезиларли даражада яхшилашга хизмат қилади. Чунки, судьяларни ижтимоий ҳуқуқдан муносиб ҳимоя қилиш ҳаётининг муайян асосий шартларидан бири бўлган одил судловни таъминлашда муҳим аҳамиятга эга.

Мирвазол МИРАКУЛОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти ҳузуридаги
Амалдаги қонун ҳужжатлари
мониторинги институти
бўлим бошлиғи, юридик
фанлар номзоди.



Уч ҳафталик Экспедиция



кашфиётларга бой бўлди

Олимларнинг халқаро гуруҳи Суринамнинг Бразилия билан чегарадош ўрмонларидаги жониворлар каталогини тузиш ва чучук сув захираларини аниқлаш мақсадида уч ҳафталик илмий экспедицияда қатнашди.

«Associated Press» ахборот агентлиги хабар беришича, шу пайтгача фанга номалум бўлган 60 тур жонивор аниқланди. Улар орасида 11 хил балиқ ва 6 турдаги қурбака ҳам бор.

«Conservation International» нотижорат тадқиқот ташкилоти вакили Тронд Ларсеннинг айтишича, олимлар Палумеу дарёсининг юқори қисми атрофидаги жунглини тадқиқ қилдилар. Мазкур ҳудуд ҳозирча сайёрамизнинг энг кам ўрганилган ҳудудларидан ҳисобланади.

Биологларнинг сўзларига қараганда, шоқолад рангли ёғоч қурбақаси ва даратхта юрадиган заҳарли қурбака тури (маҳаллий аҳоли уларнинг токсинларидан овда фойдаланади) аjoyиб кашфиётлардан ҳисобланади.

Каталогдан, шунингдек, тетр балигининг янги тури, фаройиб рангли лаққа балиқ ва яна 9 хил балиқ ўрин олган. Катталиги 2,3 миллиметр бўлган сариқ гўнг кўнғизи ҳам ноёб топилмалардан бири саналади.

Олимлар жами 1378 турдаги ўсимлик, қушлар, сут эмизувчилар, ҳашаротлар ва балиқлар ҳақида маълумот тўплади.

Фермерлар ерлари



экологик муаммога дуч келмоқда

Хитой фермерлари бугунги кунда экологик муаммо билан рўбарў келмоқда. Уларга тегишли ерларнинг 5 дан бир қисми токсик металллар — кадмий, никел ва марганиз, шунингдек, бошқа турли химикатлар билан заҳарланган.

Мазкур майдонларда етиштирилаётган қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари инсон саломатлиги учун зарарли эканлиги ҳақида хитойлик мутахассислар бонг урмоқдалар. Аммо хитойлик фермерлар ерлар ҳосилдорлигини ошириш ва маҳсулот етиштириш жараёнини тезлаштириш мақсадида турли дори воситаларини қўллашдан ўзларини тиймайланти.

Тупроқнинг кадмий элементи билан тўйинганлиги, айниқса, тиббиётчиларни ташвишга солмоқда. Ушбу канцероген хитойликлар севиб истеъмол қиладиган шолчининг «жону дили» — жуда гурқираб ўсади. Бироқ мамлакат жанубида савдога чиқарилаётган гуруҳ маҳсулотларининг тенг ярми кадмийга тўйинганлиги ачинарлидир. Унинг инсон саломатлигига таъсири дарҳол сезилмайди — 10-30 йилдан кейин у ўз оқибатини кўрсата бошлайди. Шу боис ҳам Хитойда онкологик хасталиқлар даражаси ортиси эҳтимолдан ҳоли эмаслиги мутахассислар томонидан таъкидланади.

Хитойлик экспертлар томонидан эълон қилинган мазкур тадқиқот маълумотлари бундан ўн йиллар муқаддам ўтказилган тадқиқот натижаларидир.

Халқаро ярмаркада қатнашади

Президентимизнинг 2013 йил 8 августдаги «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари экспортини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига мувофиқ ташкил этилган жамғарманинг Андижон вилояти ҳудудий филиали томонидан маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг маҳсулотларини ташқи бозорга олиб чиқишда бир қатор амалий ишлар бажариляпти.

Жорий йилнинг биринчи чорагида филиалимиз кўмағида 12 та корхона 7,5 миллион долларлик маҳсулотларни экспорт қилишга эришди. Шаҳрихон туманида фаолият кўрсатаётган «Elegant Grand And» масъулият чекланган жамияти корхонасининг 960 000,00 АҚШ доллари қийматидаги экспорт шартномасини тайёрлаш ва унинг тўлови 180 кун мобайнида келиб тушишини суғурталашга ёрдам кўрсатилди. «Saidali Sapot Rivoj», «Осиё тўлпор одим» масъулият чекланган жамиятининг бизнесинг ёрдами билан илк маротаба маҳсулотларини экспорт қилишни бошлади.

Мутахассисларимиз барча шахар ва туманларда тадбиркорлар, фермерлар билан давра суҳбатлари ўтказяптилар. Учрашувларда

иштирокчиларга кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш, қўллаб-қувватлаш, ҳуқуқий, ташкилий ва молиявий ёрдам кўрсатиш мақсадида қабул қилинган қонун, қарор ва бошқа меъёрий ҳужжатлар ҳақида тушунчалар берилмоқда.

Корхоналар, тадбиркорлар томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларга хорижий давлатлардан харидор топиш, халқаро ярмарка, кўргазмаларда иштирок этишни ташкиллаштириш, экспорт боп маҳсулотларини суғурталаш ҳамда сертификатлаштиришга оид ишлар бажарилаётганлиги ҳақида маълумотлар тақдим этиляпти.

Жорий йил 28 февраль - 1 март кунлари ўтказилган халқаро пойабзал ярмаркасида «Xalimbek Jurabek Grand», «Хонобод Сеул»

РЕКЛАМА ЎРНИДА

масъулияти чекланган жамиятлари вакиллари иштирок этди. Ярмарка натижасига қўра, мазкур корхоналар Россия Федерациясидаги ҳамкорлар билан экспорт шартномаларини тузди. 23-26 май кунлари Хитойнинг Сянхей шаҳрида ўтадиган халқаро «Буюк ипак йўли» саноат маҳсулотлари ярмаркасида вилоятдан 7 корхона иштирок этиши мўлжалланмоқда.

Ишлаб чиқарувчилар маҳсулотларининг жаҳон бозорларида рақобатбардошлигини ошириш мақсадида филиалимиз Андижон вилоят саноат, сертификатлаштириш ва метрология давлат корхонаси билан ҳамкорликда 9 та кичик корхонада ISO 9001 халқаро сифат бошқаруви тизимини босқичма-босқич жорий этиш бўйича дастлабки ишларни якунлади. Бу келгусида корхоналар экспорт салоҳиятини янада оширишга хизмат қилади.

Шерзодбек ҚОБИЛОВ,
Жамғарманинг Андижон вилоят
филиали директори.

РЕКЛАМА ЎРНИДА

Мамлакатимизда интенсив боғлар яратишга катта эътибор қаратилмоқда. Интенсив технологиялар асосида парваришланаётган пакана ва ярим пакана олма, нок, олхўри, гилос ва шафтоли кўчатлари юртимизга илк бор бундан тўрт йил аввал олиб келиб, экилган эди. Натижаси ёмон бўлмапти.

Бундай боғларнинг ҳар гектаридан 50-70 центнердан ҳосил олинмоқда. Мева сифати ҳам аъло. Интенсив боғлар яратишдан асосий мақсад мамлакатимиз аҳолисининг мевалар, озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабини тўла қондириш, бозорларимизда нарҳавони арзонлаштириш ва экспорт салоҳиятини янада ошириш, шунингдек, кўплаб янги иш ўринлари яратишдан иборат.

Ўтган йиллар давомида Наманган вилоятида 400 гектардан зиёд мана шундай боғлар яратилди. Қадимдан ўз олмалари билан машҳур вилоятда кўпроқ интенсив олмазорлар бунёд этиляпти. Чунки олма дархатининг кўчатлари тез ҳосил-ча қиради, гектарига кўчат сонни қалин (2000-2500 дона) экилиши туфайли ҳосилдорлик юқо-

ри бўлади. Таъми ҳам, ширатари ҳам, витаминга бойлиги ҳам кўнгилдагидек. Бу кўчатлар Наманган вилоятининг тупроқ-иклим шароитига тез мослашиб кетди.

Наманган вилоятида серҳосил, сершира интенсив боғлар барпо этилишида «Агробанк» очик акциядорлик тижорат банки вилоят бошқармасининг сармосияси муҳим аҳамият касб этмоқда. Масалан, Янгиқўрғон туманидаги «Салқинқой Яшнарьбек Фирдавс» фермер хўжалиги 2013 йилнинг март ойида «Агробанк» ОАТБ Янгиқўрғон филиалидан 15 миллион сўм кредит олиб, узоқ Сербиядан келтирилган олма кўчатларини сотиб олди. Икки гектар ерга 1400 туп олма кўчати экилиб интенсив боғ барпо этилди. Қўшимча иш ўрни яратилди.

Интенсив боғлар яратишда

«Агробанк» ОАТБ кредитлари қўл келмоқда



— Бугунги кунда аҳолининг турли меваларга, хусусан, олма, нок, олхўри ва шафтолига бўлган талаби торабдорлиги бормоқда, — дейди Уччи туманидаги «Озодбек Сардорбек боғи» фермер хўжалиги раҳбари Раҳматилла Йўлдошев. — Айниқса, болаларга олма фойдали. Шу боис кўпчилик оилаларнинг дастурхо-

нидан олма аримайди. Олма ҳар томонлама фойдали, унда дармондорилар, кислоталар, темир моддасининг кўпчилиги инсон саломатлигига иjobий таъсир этади. Биз ҳам ўтган йили интенсив боғлар яратиш борасида мамлакатимизда бош-хаври. — Айниқса, болаларга олма фойдали. Шу мақсадда «Агробанк» ОАТБ Уччи филиалига маблағ сўраб

мурожаат қилдик. Бизнес лойиҳамиз маъқуллиниб, 50 миллион сўм кредит берилди. Бу бизга хорижий мамлакатлардан келтирилган 10000 туп мева кўчатлари сотиб олиш имкониятини берди. 7 минг туп олма, 3 минг туп олхўри кўчатлари экиб боғ яратдик. Шунини кувонарилик, ўтган йилнинг ўзидаёқ яхшигина ҳосил олдик. Бундан ташқари янги иш ўрни ҳам яратдик.

— Бизнинг экин майдонларимизда, айниқса, олма кўчатлари яхши ривожланиб, мўл ҳосил беради, — дейди Учқўрғон туманидаги «Гулхумор» фермер хўжалиги раҳбари Гулхумор Тоғаева. — Шу боис интенсив боғларни асосан олма кўчатларидан ташкил этишга киришдик. Мевани териб олиш ҳам қўлай. Бунда иш унулими, юқори бўлиши билан бирга маҳсулотлар сифатига путур етмайди, нобудгарчиликка йўл қўйилмайди.

Ўтган йили «Агробанк»нинг Учқўрғон филиалидан 46,5 мил-



лион сўм кредит олиб, Польшада етиштирилган олма кўчатларидан олиб келдик. Гольден, Делишес, Старкримсон, Ренет ва Семиренко навли олма кўчатларидан 4300 тупини 4 гектар ерга ўтказдик. Интенсив боғимиз ўтган йилнинг ўзидаёқ яхшигина ҳосил берди. Натижада қўшимча иш ўрни яратилди.

«Агробанк» ОАТБ Наманган вилоят филиали фаолиятдан бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Вилоятда бу йил ҳам янги боғлар яратилди. Албатта, бу борада фермер ва деҳқон хўжалиқлари банк молия-вий кўмағидан фойдаланишапти. Демак, яқин келажақда халқимиз дастурхони сархил меваларга янада тўлади, маҳсулот экспорти ҳам ортади.

Мирбахтиёр МИРҲАЙИЗОВ,
«Ўзбекистон овози»
муҳбири.



Санжар ШОУҲУЛАГАНОВ олган суратлар.

«Баркамол авлод» спорт ўйинлари

мамлакатимиз ёшлари учун ҳақиқий байрамга айланади

МИЛЛИЙ МАТБУОТ МАРКАЗИДА

«Баркамол авлод — 2014» спорт ўйинлари республика финал босқичига тайёргарлик жараёнида бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.

— Президентимиз ташаббуси билан жорий этилган уч босқичли улускузи тизим — «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод» ва Универсиада спорт мусобақалари мамлакатимиз ёшлари учун катта ҳаёт йўлини белгилаб берадиган муҳим спорт байрамларига айланди, — дейди

Республика Маънавият тарғибот маркази раҳбари Қараман Қуронов. — Ушбу ноёб тизим мактаб, лицей, коллеж ва олий таълим муассасалари ўқувчи, талаба-ёшларини қамраб олгани билан ҳам алоҳида аҳамиятга эга. Шунингдек, ўғил-қизларимизни эзгу гоғлар йў-

лида бирлаштириш ва спорт билан мунтазам шуғулланиш кўникмасини шакллантиришда ушбу спорт байрамларининг ўрни бекиёсдир.

«Баркамол авлод» спорт ўйинлари Республика финал босқичи илк маротаба 2001 йилда Жиззахда ўтказилган эди. Шундан сўнг мусобақаларга Андижон (2003 йил), Чирчиқ (2005 йил), Нукус (2008 йил) ва Термиз (2011 йил) шаҳарлари мезбонлик қилди. «Баркамол авлод — 2014» спорт ўйинлари май ойининг охирида Наманган шаҳрида бўлиб ўтади. Спорт мусобақалари иштирокчилари яша-

ши, маиший-маданий ва зарур сервис хизматларидан тўлақонли фойдаланишлари учун барча шароитлар ҳозирланди.

Мамлакатимизда йўлга қўйилган уч босқичли спорт ўйинларининг яна бир муҳим жиҳати шундаки, барча ҳудудларда мусобақаларнинг ўтказилиши муносабати билан спорт инфратузилмаси янада яхшиланмоқда. Янги ва замонавий спорт иншоотлари барпо этилиб, зарур жиҳозлар билан таъминланмоқда. Бу эса ўша ҳудудда спорт янада оммалашувиغا хизмат қилмоқда.

— Наманганда «Баркамол авлод — 2014» ўйинларига қизгин тайёргарлик кўришмоқда, — дейди «Ўзбекистон овози» ва «Голос Ўзбекистана» газетала-

қорақалпоқ ва рус тилларидан ташқари, яна бешта хорижий тилга таржима қилган ҳолда тарқатамиз. Оммавий ахборот воситаларининг 140 нафардан зиёд ходими мусобақаларни ёритишда иштирок этиши кутилмоқда. Бундан ташқари, barkamolavlod-2014.uz сайтида ҳам спорт байрами батафсил ёритиб борилади.

Бу спорт байрамини ёритишда унинг аҳамияти ва моҳиятига кўпроқ эътибор қаратиш керак бўлади. «Баркамол авлод» ўйинлари доирасида маданий-маърифий тадбирлар ҳам ўтказилиши режалаштирилган. Улар нафақат Наманган шаҳрида, балки вилоятнинг қўлпаз тўманларида ҳам ўтказилади. Бугун наманганликлар «Барка-



налга йўлланма олган спортчилар финал баҳсларида иштирок этади. Қолган 11 спорт тури бўйича спортчилар тўғридан-тўғри Наманганда ўз маҳоратларини намойиш этишади.

Илк бор ўтказилган «Баркамол авлод» мусобақаларида ўсмирлар спортининг 7 тури — футбол, волейбол, баскетбол, кураш, теннис, сузиш, енгил атлетика бўйича куч синашган эди. 2011 йили Термизда спортнинг 12 тури бўйича мусобақалар ўтказилди. Наманганда эса ўн олти спорт тури бўйича кураш олиб борилади. Мусобақанинг тантанали очилиш ва ёпилиш маросимлари «Навбахор» марказий стадионида ўтказилиши кўзда тутилган.

Темур АЪЗАМ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

ТЕННИС

Теннисчилар Самарқандда баҳслашмоқда

Самарқанд шаҳрида Профессонал теннисчилар уюшмаси — АТР мусобақалари тақвимида кирувчи анъанавий «Челленжер» халқаро турнири бошланди.

Нуфузли мусобақада ҳамюртларимиз билан бирга Голландия, Канада, Австрия, Чехия, Россия, Словакия, Сербия, Украина, Хорватия, Чили, Литва, Грузия, Ҳиндистон каби ўндан зиёд давлат вакиллари голиблик учун куч синашмоқда.

Турнирда биринчи рақамда сараланган ҳамюртими Денис Истомин яқалиқлар ўртасидаги дастлабки учрашувда россиялик Антон Зайцевни 6:3, 3:6, 6:3 ҳисобида мағлубиятга учратди. Фарух Дўстов словакиялик Адриан Сикорани 6:1, 3:6, 6:1 ҳисобида енгган бўлса, Важа Узоқов чилилик Ханс Подлипник-Кастиллодан 6:3, 7:6 ҳисобида устун келди.



Канадалик Филипп Пеливо, голландиялик Антал Ван Дер Дюйм, россиялик Карен Хачанов, Денис Молчанов, Валерий Руднев, Александр Лобков, Аслан Карацев, Босния ва Герцеговина вакили Дамир Жумхур, хорватиялик Тони Антроич, Борна Корич, австриялик Жеральд Мельцер ва беларуслик Александр Бури ҳам дастлабки учрашувда ғалаба қозонди.

«Челленжер» мусобақасининг жуфтлик беллашуларида қатнашаётган Важа Узоқов ва Шонигмат Шойфайзев дуэти дастлабки учрашувда ҳиндистонлик Шрирам Балажи ва Живан Недунчежянни 2:6, 7:6, 11:9 ҳисобида мағлубиятга учратди.

Б.АЙТМУРДОВ, Ўза мухбири.

БАНДЛИК

«Ёшлар дунё маркази» иш бошлади

Денов туманидаги «Гулстон» маҳалласида «Ёшлар дунё маркази» фойдаланишига топширилди. Лойиҳа қиймати 120 миллион сўм бўлган масканда ажойиб хийбон ташкил қилинган. Салқин чимлик, музқаймоқ сотиладиган шохобча ва тамадихоналар ишлаб турибди.

«Соғлом бола йили» муносабати билан ташкил этилган иншоот нафақат болажонлар, балки уларнинг ота-оналарига ҳам манзур бўлмоқда, — дейди марказ раҳбари, ЎзХДП фаоли Ботир Ишнӣёзов. — Маълумки, воҳа иссиқ иқлимли ҳудуд ҳисобланади. Шундан келиб чиққан ҳолда зарур шароитларни яратдик. Қўркам ва гўзал мажмуада болажонлар турли ўйинчоқлар ўйнаши, ота-оналари билан сайр қилишлари мумкин. Уни бунёд этишда ОАТБ «Савдогарбанк» Денов филиалидан 150 миллион сўм кредит олинди. Айни кунларда бу ерда 7 нафар киши меҳнат қилаётган бўлса, келажакда яна 30 кишининг бандлиги таъминланади.

Абдумалик ҲАЙДАРОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

ТИББИЁТ

Онкологик касалликларни эрта аниқлаш имконияти икки баробарга ортди

да эса радиология бўлими ташкил этилди. 13 та вилоят онкология диспансерларида таъмирлаш-реконструкция ишлари амалга оширилди.

Яна бир муҳим янгилик — туманлардан тортиб республика даражасигача бўлган кўламда онкологик беморлар бўйича маълумотларнинг ягона электрон ахборот базаси яратилди ва амалиётга жорий қилинди. Натижада мамлакатимизнинг барча ҳудудларида аниқлаётган онкологик касаллик билан оғриган беморлар ягона тизимда ҳисобга олиниб, текшириш, даволаш ва кузатув ишларини доимий назоратга олиши имкони яратилди.

Матбуот анжуманида саратон касаллигини эрта босқичларда аниқлаш жуда катта аҳамиятга эга эканлиги алоҳида таъкидланди. Шу сабабли мамлакатимизнинг барча ҳудудларида, энг аввало, касалликнинг олдини олиш ва эрта босқичларда аниқлашга катта эътибор қаратилмоқда. Қўрилган кенг кўламли чора-тадбирлар орқали касалликни 1- ва 2-босқичларда аниқлаш имкони қарийб икки маротаба ортди. Сут бези, меъда, йўғон ичак ва қовуқ саратони касалликларидан жараҳатли бўлиб қолган беморларнинг сони кўпайиб кетмоқда. Ҳозирда барча вилоят онкологик диспансерлари нур билан даволаш замонавий усуналари билан жиҳозланиши жараёни жадал олиб борилаётган. Бу эса, ўз навбатида, беморларга энг самарали бўлган даво усуллари қўллаш имконини беради.

Бугунги кунда мамлакатимизда мутлақ бепул бўлган

РЕКЛАМА

«TASHKENT REALTOR SERVICE» МЧЖ

барча тадбиркорлик субъектларини, кичик бизнес вакиллари ҳамда хусусий тадбиркорларни очiq танлов савдоларига таклиф этади

Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 25 майдаги «Тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун юридик ва жисмоний шахсларга танлов асосида ер участкалари беришни такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» қарори, Тошкент вилояти, Зангиота тумани ҳокимининг 2014 йил 19 февралдаги 134-сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида туман танлов комиссиясининг 2014 йил 7 майдаги 1-сонли умумий йиғилиш қарори ва туман танлов комиссияси раисининг 2014 йил 12 майдаги 02/227-сонли хатига асосан тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун юридик ва жисмоний шахсларга қўйиладиган ер участкаларининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи бўйича танлов таклифларини қабул қилиш давом эттирилади:

- Зангиота тумани, Чигатой-Оқтепа ҚФЙ ҳудудида янги иш ўринларини яратиш мақсадида чиқинди қабул қилиш пункти, пойабзал таъмирлаш устанонаси, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари сотиш дўкони ва емхона қурилиши учун ажратилган 0,08 га ер участкасидан доимий фойдаланиш ҳуқуқи, минимал қиймати — 440 900 сўм.
- Зангиота тумани, Юнусобод ҚФЙ, «Бешқўрғон» маҳалласи ҳудудида замонавий озуқа, ем, савдо ва маиший хизмат зооветеринария шохобчаси қурилиши учун ажратилган 0,07 га ер участкасидан доимий фойдаланиш ҳуқуқи, минимал қиймати — 385 800 сўм.
- Зангиота тумани, Эркин ҚФЙ ҳудудида аҳоли истеъмоли учун экологик тоза қадқоқлаш пакетлари, пластмасса идишлар, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қадқоқлаш ҳамда яшиқ ишлаб чиқариш цехи қурилиши учун ажратилган 0,70 га ер участкасидан доимий фойдаланиш ҳуқуқи, минимал қиймати — 3 857 900 сўм.

Мажбуриятларнинг бошланғич ҳажми

Танлов комиссияси томонидан 10 кун муддат ичида танлов голиби аниқланади. Комиссия томонидан танлов таклифи энг яхши деб эътироф этилган талабгор танлов голиби деб топилди.

Танловда қатнашиш истагида бўлган талабгорлар танлов ташкилотчисидан танлов ҳужжатларини энг кам ойлик иш ҳақининг бир баравари миқдоридидаги ҳақ эвазига олади.

Танловда қатнашиш истагида бўлган талабгорлар танлов ташкилотчисидан танлов ҳужжатларини энг кам ойлик иш ҳақининг бир баравари миқдоридидаги ҳақ эвазига олади.

Танловда қатнашиш истагида бўлган талабгорлар танлов ташкилотчисидан танлов ҳужжатларини энг кам ойлик иш ҳақининг бир баравари миқдоридидаги ҳақ эвазига олади.

Танловда қатнашиш истагида бўлган талабгорлар танлов ташкилотчисидан танлов ҳужжатларини энг кам ойлик иш ҳақининг бир баравари миқдоридидаги ҳақ эвазига олади.

Танловда қатнашиш истагида бўлган талабгорлар танлов ташкилотчисидан танлов ҳужжатларини энг кам ойлик иш ҳақининг бир баравари миқдоридидаги ҳақ эвазига олади.

Танловда қатнашиш истагида бўлган талабгорлар танлов ташкилотчисидан танлов ҳужжатларини энг кам ойлик иш ҳақининг бир баравари миқдоридидаги ҳақ эвазига олади.

Танловда қатнашиш истагида бўлган талабгорлар танлов ташкилотчисидан танлов ҳужжатларини энг кам ойлик иш ҳақининг бир баравари миқдоридидаги ҳақ эвазига олади.

Танловда қатнашиш истагида бўлган талабгорлар танлов ташкилотчисидан танлов ҳужжатларини энг кам ойлик иш ҳақининг бир баравари миқдоридидаги ҳақ эвазига олади.

Танловда қатнашиш истагида бўлган талабгорлар танлов ташкилотчисидан танлов ҳужжатларини энг кам ойлик иш ҳақининг бир баравари миқдоридидаги ҳақ эвазига олади.

Танловда қатнашиш истагида бўлган талабгорлар танлов ташкилотчисидан танлов ҳужжатларини энг кам ойлик иш ҳақининг бир баравари миқдоридидаги ҳақ эвазига олади.

Танловда қатнашиш истагида бўлган талабгорлар танлов ташкилотчисидан танлов ҳужжатларини энг кам ойлик иш ҳақининг бир баравари миқдоридидаги ҳақ эвазига олади.

Танловда қатнашиш истагида бўлган талабгорлар танлов ташкилотчисидан танлов ҳужжатларини энг кам ойлик иш ҳақининг бир баравари миқдоридидаги ҳақ эвазига олади.

МУАССИС:



O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: Safar OSTONOV

TAHIR HAY'ATI:
 Abdulla ORIPOV
 Hotamjon KETMONOV
 Ulug'bek VAOYEV
 Rustam KAMILOV
 Sharbat ABDULLAYEVA

Qabulxonona — 233-65-45

Xatlar va murojaatlar uchun — 233-12-56
 E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

MANZILIMIZ:

100000, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.
 Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.
 G — 560
 18743
 nusxada bosildi.
 Nashr ko'rsatkichi — 220
 t — Tijorat materiallari
 O'ZA yakuni — 20.40
 Topshirilgan vaqti — 00.20
 Sotuvda kelishilgan narxda

Navbatchi:

Alisher RO'ZIYEV
 Sahifalovchi-dasturchilar:
 Sobirjon BUKI'ATOV,
 Zafar TANG'AROV
 ISSN 2010-7633
 1 2 3 4 5